


Ўзбекистон Республикаси
Адлия Вазирлиги
томонидан
2006 йил « 31 » 08
1323 -сонли билан

Аъзолар
Умумий йиғилиши
томонидан
2006 йил 28 август
1-сонли баённомаси билан

«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»

№ 75


«ТАСДИҚЛАНГАН»

“N A U R”
QIMMATLI QOG‘OZLAR BOZORI
ISHTIROKCHILARINING MILLIY UYUSHMASI
УСТАВИ

Тошкент ш. – 2006 й.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Бундан буён аъзолар деб аталувчи мазкур уставнинг 1.3-бандида кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси конунчилиги бўйича юридик шахс ҳисобланган корхона, ташкилот ва муассасалар биргаликда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси ҳамда амалдаги конунчилик ва конун ости ҳужжатлари асосида “NAUR” Қимматли Қоғозлар Бозори Иштирокчиларининг Миллий Уюшмасини (бундан буён – “Уюшма” деб аталади) ташкил қилишди.

1.2. Уюшма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида конунийлик, ошқоралик, ўзини-ўзи бошқариш, аъзоларининг ихтиёрий бирлашганлиги ва тенг ҳуқуқлилиги тамойиллари асосида Уюшма аъзолари ўртасида ишонч, тартиблилик ва ўзаро ёрдамни таъминлаган ҳолда амалга оширади.

1.3. Уюшма таъсичилари қуйидагилар ҳисобланади:

1. “Avesta Investment Group” ёпик акциядорлик жамият (Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ҳокимининг ижроия маҳкамаси томонидан 2005 йил 16 июнда 001268 рақам билан рўйхатга олинган ва 001268-10 рақам билан корхоналар реестрига киритилган, манзили: 700000, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 25-уй);
2. “Avesta Trust” маъсулияти чекланган жамият (Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ҳокимининг ижроия маҳкамаси томонидан 2005 йил 03 августда 001330 рақам билан рўйхатга олинган ва 001330-10 рақам билан реестрга киритилган, манзили: 700000, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 25-уй).

1.4. Уюшманинг юридик номи:

- Ўзбек тилида: “NAUR” Қимматли Қоғозлар Бозори Иштирокчиларининг Миллий Уюшмаси;
- Рус тилида: “NAUR” Национальная Ассоциация Участников Рынка Ценных Бумаг;
- Инглиз тилида: “NAUR” National Association of Securities Market Participants.

1.5. Уюшманинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 700084, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 107а-уй.

1.6. Уюшма фаолият муддати чекланмаган.

II. УЮШМАНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ

2.1. Уюшма давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг юридик шахс ҳисобланади.

2.2. Уюшма Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари, Уюшма таъсис шартномаси ва Уставига асосан фаолият юритади.

2.3. Уюшма Давлат ва унинг органлари мажбуриятлари бўйича жавобгарликни ўз зиммасига олмайди, шунингдек Давлат ва унинг органлари Уюшманинг мажбуриятлари бўйича жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

2.4. Уюшма ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

2.5. Уюшма ўз номи кўрсатилган муҳр ва бурчак тамғасига эга бўлиши мумкин.

2.6. Уюшма юридик шахс ҳисобланиб, ўз фаолиятини ўз-ўзини молиявий таъминлаш асосида амалга оширади, алоҳида мол-мулкка ва мустақил балансга эга, аъзолар томонидан унга юклатилган мажбурият ва вазифаларни бажаради ва фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлардан фойдаланади, мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиши ва мажбуриятларни бажариши, судларда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

2.7. Уюшма аъзолари ўз мустақилликларини ва юридик шахс ҳуқуқларини сақлаб қоладилар.

2.8. Уюшма давлат бошқаруви, шу жумладан тақсимлаш вазифаларини бажаришга, шунингдек таркибига қирувчи корхоналар фаолиятига маъмурий аралашшга ҳақли эмас.

2.9. Уюшма ўз аъзолари акцияларининг пакетларини ишончли бошқарувга олишга ҳақли эмас.

2.10. Уюшма ўз таркибига қирувчи корхоналарнинг тезкор хўжалик фаолиятига аралашш ҳамда хом-ашё ва товар-моддий ресурсларни улар ўртасида тақсимлаш ҳуқуқига эга эмас.

2.11. Уюшма нодавлат нотижорат ташкилоти ҳисобланади.

2.12. Уюшма қуйидаги ҳуқуқларга эга

- ўз аъзоларнинг конуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- жамият ҳаётидаги турли масалаларни ечишда, давлат ва ҳокимият органларига турли таклифлар билан чиқиш;

- конунчиликда инобатга олинган тарзда давлат ва ҳокимият органлари қарорларини ишлаб чиқаришда катнашиш;

- ўз фаолияти ҳақида ахборот тарқатиш;

- ўз тимсолини тасдиқлаш;

- ўз фаолияти юзасидан йиғилиш ва конференциялар ўтказиш;

- конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жойларда ваколатхоналар ва филиаллар очиш;

- конун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик шахсларнинг муассиси бўлишга ёки уларнинг устав фондида бошқача тарзда иштирок этишга, тижорат ва нотижорат ташкилотлари тузишга ҳақлидир;

2.13. Уюшма қуйидагиларга мажбур:

- конунчиликка риоя этишга;

- ўз мулки ва маблағларининг ишлатилиши ҳақидаги ахборотларга йўл очиб беришга;
- солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти ҳақида тегишли ҳисобот тақдим этишга;

III. УЮШМА ФИЛИАЛЛАРИ ВА ВАКОЛАТХОНАЛАРИ

3.1. Уюшма шўъба корхоналар, филиал ва ваколатхоналарини очиш ҳуқуқига эга.

3.3. Шўъба корхоналар, филиал ва ваколатхоналар Уюшма аъзолари умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган тегишли ҳужжатлар асосида фаолият юритади.

IV. УЮШМАНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

4.1. Уюшманин асосий мақсади ўз аъзоларининг муштарак манфаатларини ифода этиш ҳамда химоя қилиш ҳисобланади.

4.2. Уюшманин фаолият предмети куйидагилардир:

- Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиб турувчи норматив-ҳуқуқий базани халқаро стандартларга мувофиқ тарзда, қимматли қоғозлар бозори билан боғлиқ ва Уюшма аъзоларининг манфаатларига дахлдор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда қатнашиш, улар юзасидан давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг тегишли органларига таклифлар киритиш ва улар билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш йўли билан такомиллаштиришга қўмаклашиш. Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш масалалари юзасидан конун чиқарувчи ва ижроия органларида қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчилари манфаатларини тақдим этиш;

- Уюшма аъзоларининг қонуний манфаатларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳам, унинг чегарасидан ташқарида ҳам давлат органлари ва ташкилотлари, муассасалар, хўжалиқ юритиш субъектлари, жамоат бирлашмалари, турли даражадаги мулкчилик шаклидан қатъий назар, маъмурий ва фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг барча субъектлари билан ўзаро муносабатларда тақдим этиш;

- Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш борасида давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

- Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришни рағбатлантирадиган давлат ва минтақа инфратузилмасини вужудга келтиришда маслаҳат тарикасида ёрдам бериш;

- Ўзбекистон Республикасининг қимматли қоғозлар бозори орқали сармояларни жалб этишда қўмаклашиш;

- Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг халқаро рейтингини оширишда ёрдам бериш;

- Қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчиларини халқаро уюшмаларида тақдим этиш, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтиришда Уюшма аъзоларига ёрдам бериш;

- Уюшма фаолияти соҳасига тегишли йўналишлар бўйича халқаро ҳамкорликни амалга ошириш;

- Уюшма аъзоларининг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириб бориш ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш, рўёбга чиқариш, химоя қилишда Уюшма аъзоларининг ҳаракатларини бирлаштириш;

- Уюшма аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини, жумладан, носоғлом рақобатдан химоя қилиш;

- Беминнатлик асосида Уюшма аъзоларига қимматли қоғозлар бозори масалаларида консалтинг ва ахборот-таҳлил хизматларини кўрсатиш;

- Тренинглари, семинарлар ўтказиш;

- Уюшма аъзоларини ахборот билан таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчилари бўйича ягона ахборот базасини яратиш;

- Уюшма фаолияти, шунингдек, Уюшма аъзолари фаолияти ҳақида ахборот тўплаш, таҳлил қилиш ва тарқатиш;

- Қимматли қоғозлар бозорини турли жиҳатлари муаммолари бўйича ахборот базасини вужудга келтириш;

- Қимматли қоғозлар бозорини турли йўналишлари бўйича кутубхона ташкил этиш;

- Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар бозорининг турли йўналишлари бўйича илмий-тадқиқотлар ҳамда кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масалалари бўйича ўқув ишларини ривожлантириш;

- Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши муаммоларини илмий-амалий жиҳатдан ўрганиш;

- Уюшма олдига қўйилган мақсадларга эришиш учун қимматли қоғозлар бозоридан маркетинг тадқиқотлари ва рекламани ташкил этиш;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг чегарасидан ташқарида Уюшма аъзоларининг махсулотлари ва хизматлари кўрғазмалари ва ярмаркалар уюштириш;

- Қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчиларининг турли йўналишлари бўйича учрашувлар, давра суҳбатлари, конференциялар ва ҳоказолар ташкил этиш;

- Махсус дастурлар тайёрлаш, уларни ўтказиш ҳамда оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиш;
- Илғор технологиялар, менежмент ва маркетинг бўйича илғор тажрибалар, “know-how” ва хоказоларни жорий этиш.

4.3. Уюшма тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ўз устав мақсадларига зид келмаса, хўжалик жамиятларини тузишга еки уларда иштирок этишга ҳақли.

V. АЪЗОЛАР ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Уюшма Аъзолари куйидагиларга ҳақлидирлар:

- Амалдаги қонунчиликда ва Уюшманинг таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда Уюшманинг ишларини бошқаришда иштирок этиш;

- амалдаги қонунчилик ва Уюшма таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда Уюшманинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳамда унинг бухгалтерия дафтарлари ва бошқа ҳужжатлари билан танишиш;

- Уюшма бошқа Аъзоларининг розилигидан қатъий назар амалдаги қонунчилик ва Уюшма таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда исталган вақтда Уюшмадан чиқиш;

- Уюшма тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин ўз ҳиссасига асосан қолган мол-мулкнинг бир қисмини ёки унинг қийматини олиш;

5.2. Уюшма Аъзолари куйидаги мажбуриятларни оладилар:

- Уюшма таъсис ҳужжатлари қоидаларига риоя этиш;

- амалдаги қонунчиликка ва Уюшманинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, микдорда, усул ва муддатларда аъзолик бадалларини ажратиш;

- Уюшма фаолияти тўғрисидаги сир тутилган ахборотни ошкор қилмасликлари шарт. Ошкор этилмайдиغان ахборотларнинг ҳажмига барча шартномалар, техник ва бошқа Уюшма фаолияти тўғрисидаги ахборотлар қиради. Уюшманинг ҳар бир аъзоси ва ходими расмий равишда ва беҳос олинган Уюшманинг фаолиятига тааллуқли ахборотларни қонфиденциаллигини таъминлашга мажбур ва шу ахборотларни тарқалишини олдини олувчи барча имкон бўлган чораларни кўриши лозим;

- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва Уюшма таъсис ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажаради.

5.3. Уюшманинг аъзолари тижорат ташкилотлари, юридик шахслар, шунингдек Уюшма фаолиятининг вазифалари ва тамойилларини тан оладиган ҳамда Таъсис шартномаси ва мазкур Уставда кўзда тутилган тартибда Уюшмага аъзо бўлган чет эл юридик шахслари бўлиши мумкин.

5.4. Уюшмага аъзо бўлишда Уюшма аъзолари ўз хўжалик мустақиллигини, юридик шахс ҳуқуқини сақлаб қоладилар, мулкчилик шакли ва номини ўзгартирмайдилар.

5.5. Уюшмага аъзо бўлиш – мазкур Уставга биноан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида асарчилик фаолиятини ривожлантиришда Уюшманинг бошқа аъзолари билан ўз хатти – ҳаракатларини мувофиқлаштиришда, Уюшма аъзоларининг нияти ва розилигини ақс эттиради.

5.6. Жисмоний шахслар Уюшма аъзолари бўлиши мумкин эмас.

5.7. Уюшмага аъзо бўлишнинг зарурий шарти бўлиб аъзолик бадалларини Уюшмага ўз вақтида ва тўлиқ тўлаш ҳисобланади. Уюшма аъзоларининг бадаллари ўз ичига аъзолик бадаллари ҳамда ҳар йилги ва мақсадли бадалларни олади.

5.8. Уюшма аъзолигига қабул қилиш, аъзоликка қабул қилинаётган корхона (ташкилот)нинг вақил қилинган мансабдор шахси томонидан имзоланган аризага асосан амалга оширилади. Ариза Уюшма кенгаши томонидан тасдиқланадиган шаклда тузилади.

5.9. Аъзо бўлувчи юридик шахс ариза бериб, Уюшманинг Таъсис шартномасига қўшилади, ушбу шартномани тан олади, шартномадан келиб чиқадиган барча мажбуриятларни ўз бўйнига олади ҳамда Таъсис шартномаси ва мазкур Уставга биноан Уюшма аъзосининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлади.

5.10. Юридик шахс ариза бериш билан бир вақтда Уюшма аъзолари умумий йиғилиши белгиланган микдорда аъзолик бадалини тўлайди.

5.11. Уюшма кенгашининг раиси аъзоликка қабул қилиш тўғрисида ариза келиб тушган кундан бошлаб бир ойдан кечикмай, Уюшма кенгашининг навбатдаги йиғилишига Уюшмага ташкилотни қабул қилиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишни тавсия этиш ҳақида қарор қабул қилади ҳамда ариза берувчига ёзма равишда асосланган қарорни тақдим этади.

5.12. Ташкилотни Уюшмага қабул қилишдан асосли равишда рад этилган ҳолда, аъзолик бадални Уюшма кенгашининг рад этиш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан бошлаб 30 кундан кечикмай ташкилотга қайтарилиши лозим.

5.13. Ташкилот, Уюшма кенгашининг ижобий қарори қабул қилинган вақтдан бошлаб Уюшманинг аъзоси бўлиб қолади.

VI. МОЛ-МУЛК ВА МАБЛАҒЛАР

6.1. Уюшма ўзига тегишли бўлган мол-мулкдан мустақил равишда фойдаланади.

6.2. Уюшманинг мол-мулки ва маблағлари Уюшмага тегишлидир.

- 6.3. Уюшма мол-мулкни шакллантириш қуйидагича амалга оширилади:
- Аъзолар бадаллари;
 - Уюшма фаолияти давомида олинган мол-мулклар;
 - Корхона ва ташкилотларнинг ихтиёрий ажратмалари;
 - беғараз ва хайрия бадаллар;
- Уюшма қошида тузилган корхона, вақлатхоналар ва ташкилотлар фаолиятдан тушган маблағлар;
- амалдаги қонун ҳужжатларида ман этилмаган бошқа манбалар ва усуллар билан.

VII. УЮШМАНИНГ МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНОТИ

- 7.1. Уюшманинг молиявий таъминоти унинг Аъзолик бадаллари ҳисобидан амалга оширилади.
- 7.2. Уюшмага Аъзо сифатида кириш учун бадал ва Аъзолик ажратмаси миқдори аъзолар умумий йиғилиши томонидан Уюшманинг харажатлар сметасига асосан белгиланади.
- 7.3. Харажатлар сметасидан иқтисод қилинган маблағлар аъзолар умумий йиғилишининг қарори бўйича ишлатилиши мумкин.

VIII. АЪЗОЛАРНИНГ УЮШМА АЪЗОЛИГИДАН ЧИҚИШ ТАРТИБИ

- 8.1. Уюшма Аъзоси ўз хоҳишига кўра Аъзолар таркибидан чиқиш ҳуқуқига эга.
- 8.2. Уюшма Аъзоси Уюшма таъсис ҳужжатларида белгиланган қоидаларни бир-неча маротаба кўпол равишда бузилишига йул қўйган ёхуд ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда ушбу Аъзо Аъзолар умумий йиғилиши томонидан мажбурий равишда Аъзолар сафидан чиқариб юборилиши мумкин.
- 8.3. Уюшма Аъзоси ихтиёрий ёки мажбурий равишда Уюшмадан чиқариб юборилганида, унга Аъзолик даврида киритилган кириш ва Аъзолик бадаллари қайтарилмайди.
- 8.4. Уюшма Аъзоси ихтиёрий ёки мажбурий равишда Уюшмадан чиқарилса, Уюшма таъсис ҳужжатларига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши лозим.

IX. ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ

- 9.1. Уюшма мустақил равишда ўз фаолиятини режалаштиради.
- 9.2. Уюшма мустақил равишда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда бухгалтерлик ҳисоб, молиявий ва статистик ҳисоботни амалга оширади.
- 9.3. Моддий техника базасини асосий ва айланма маблағлар, шунингдек бошқа моддий бойликлар ва молиявий заҳиралар ташкил этади. Уюшма маблағлари унинг тасарруфида бўлади ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган ҳоллардан ташқари олиб қўйилмайди.
- 9.4. Уюшма Бошқарув раиси тасдиғига асосан қонунчилик талабларидан келиб чиққан ҳолда ходимлар жадвалини, меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тартиби жорий этилади.
- 9.5. Уюшма мустақил равишда ўз ходимларининг касб ва малака даражасини белгилайди.
- 9.6. Қонунчиликда белгиланган муддатларда молия, солиқ статистика органларига тегишли ҳисоботларни тақдим этади.
- 9.7. Уюшманинг маблағлари ва харажатлари ҳисобини юритилиши туғрилиги устидан назорат Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари бўйича амалга оширилади.

X. УЮШМА МАБЛАҒЛАРИ ВА ФОНДЛАРИ, ЗИЁНЛАРНИ КОПЛАШ ТАРТИБИ

- 10.1. Барча мажбурий тўловлар ва солиқлар туланганидан сўнг Уюшма ихтиёрида қоладиган маблағлар Уюшма маблағларини ташкил этади.
- 10.2. Уюшма амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ маблағлардан барча солиқлар ва тўловлар, шу жумладан давлат ижтимоий суғурта, пенсия фондига, ижара тўловлар ва ҳоказоларни амалга оширади.

XI. УЮШМАНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

- 11.1. Уюшманинг бошқарув органлари қуйидагилар:
- Аъзоларнинг Умумий йиғилиши (Кенгаш);
 - Бошқарув;

XII. АЪЗОЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

- 12.1. Уюшманинг олий органи бўлиб Аъзолар Умумий йиғилиши (Кенгаш) ҳисобланади.
- 12.2. Аъзоларнинг Умумий йиғилиши Аъзоларнинг 60 фоизидан кўпроғи қатнашганда ваколатли ҳисобланади. Йиғилишда ҳар бир Аъзо битта овозга эга бўлади.

12.3. Аъзолар Умумий йиғилишининг Раиси Аъзоларнинг Умумий йиғилиши томонидан сайланади.

12.4. Аъзоларнинг Умумий йиғилиши йилига камида бир маротаба ўтказилади.

12.5. Аъзолар Умумий йиғилишининг мутлок ваколатларига қуйидагилар қиради:

- Уюшмани фаолиятининг асосий йўналишларини белгилаш;
- Уюшма Аъзолигига кириш ва доимий ажратмалар миқдорини белгилаш ва ўзгартириш;
- таъсис ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш;
- Уюшманинг ижро этувчи органларини (Бошқарув раиси ва бошқарув Аъзоларини) тузиш,

сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

- йиллик ҳисоботларни ва йиллик бухгалтерлик балансларни тасдиқлаш;
- аудиторлик текширувларини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш, аудиторлик ташкилотлари ҳамда уларнинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини аниқлаш;
- бошқа юридик шахсларни, ваколатхоналар ва филиалларни тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Уюшмани қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансини тасдиқлаш;
- амалдаги қонунчиликда назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

12.6. Қуйидаги масалалар бўйича қарорлар Уюшма Аъзолари томонидан 3/4 қисм кўпчилик овози қабул қилинади:

- Уюшма Аъзолигига кириш ва доимий ажратмалар миқдорини белгилаш ва ўзгартириш;
- Таъсис ҳужжатларини тасдиқлаш ёки уларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш;
- Уюшмани қайта ташкил этиш ёки тугатиш;

12.7. Бошқа барча масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овозлар билан қабул қилинади.

12.9. Аъзони Уюшмадан чиқариб юбориш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш жараёнида бу Аъзо ёки унинг вакили овоз беришда қатнашмайди.

XIII. БОШҚАРУВ

13.1. Уюшманинг ижроя органи бўлиб Бошқарув раиси бошчилигидаги Бошқарув ҳисобланади ва Уюшманинг жорий фаолиятига раҳбарликни амалга оширади.

13.2. Бошқарув аъзолари 2 киши таркибда бўлиб, Аъзоларнинг Умумий йиғилиши томонидан 3 йил муддатга, ваколатларни янги муддатга узайтириш ҳуқуқи билан сайланади ва шу тартибда вазифасидан озод этилади.

13.3. Бошқарув раиси билан тузилган меҳнат шартномасини Аъзоларнинг Умумий йиғилиши раиси имзолайди.

13.4. Бошқарув раиси Аъзоларнинг Умумий йиғилиши қарори бўйича чақириб олиниши мумкин.

13.5. Уюшма Бошқарув раиси:

- ишончномасиз Уюшма номидан ҳаракат қилади, унинг манфаатларини республика ва хорижий давлат органларида, корхона, муассаса ва ташкилотларда ҳимоя қилади;
- шартномалар тузади;
- ишончномалар беради, банкларда ҳисоб ва бошқа рақамларини очади;
- ходимларни ишга қабул қилишни ва бўшатишни расмийлаштиради;
- Уюшманинг барча ходимларига мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.
- Аъзолар Умумий йиғилиши қарорларининг тайёрлашни ва бажарилишини ташкиллаштиради ва уларни бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этади;
- Уюшмани мол-мулкни, шу жумладан унинг пул маблағларини Аъзолар Умумий йиғилиши қарорларида белгиланган доирада тасарруф этади;
- ҳисоботларни тақдим этишни ташкиллаштиради;
- Аъзолар Умумий йиғилиши томонидан унга юкланган бошқа вазифаларни бажаради.

13.6. Бошқарув раиси Аъзоларнинг Умумий йиғилишига ҳисобдор ва унинг олдида Уюшма фаолиятининг амалга оширилиши ҳамда унга юклатилган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши учун жавобгар бўлади.

13.7. Бошқарув раиси ва Аъзолар умумий йиғилиши томонидан ваколат берилган шахс Уюшма номидан имзо қўйиш ҳуқуқига эга.

XIV. УЮШМА ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

14.1. Уюшма бошқарувининг фаолияти устидан назоратни аъзоларнинг умумий йиғилиши томонидан 2 йил муддатга 3 киши таркибда сайланадиган тафтиш комиссияси амалга оширади. Навбатдаги муддатга бир неча марта сайланишга йўл қўйилади.

14.2. Уюшма тафтиш комиссиясининг талабига биноан уюшманинг бошқарув органларидаги мансабдор шахслар уюшма фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этишлари шарт.

14.3. Уюшма тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Уюшманинг бошқарув органларида бошқа лавозимларни эгаллашлари мумкин эмас.

14.4. Уюшма тафтиш комиссияси фаолиятининг тартиби аъзолар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган низомда белгилаб қўйилиши мумкин.

XV. УЮШМАНИНГ ХОДИМЛАРИ

15.1. Уюшманинг ходимлари Бошқарув раиси томонидан тасдиқланган штат жадвалига мувофиқ шакллантирилади.

15.2. Меҳнат контрактларини тузиш, уларни бузиш, мутахассисларни ва ёрдамчи ходимларнинг мансабини ўзгартириш фақат контракт (шартнома) асосида амалга оширилади, бунда ёллашнинг аниқ шартлари ҳар бир ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ яқка тартибдаги ёллаш шартномаси (контракт) билан белгиланади.

XVI. УЮШМАНИНГ ТИЖОРАТ СИРИ

16.1. Уюшманинг тижорат сири деганда давлат сири аҳамиятига эга бўлмаган услубий ахборот, бошқариш, режалаштириш, молия ва Уюшманинг бошқа фаолияти билан боғлиқ бўлган, уларни ошкор этиш (бериш, ўтказиш) унинг манфаатларига зиён етказиши мумкин бўлган маълумотлар тушунилади.

16.2. Ҳар бир ходим барча, шу жумладан бехосдан олинган Уюшманинг молиявий ва бошқа характердаги фаолияти билан боғлиқ ахборотни ошкор этилмаслигини ва бундай ахборотнинг тарқалишини олдини олиш бўйича чоралар кўришга мажбурдир.

16.3. Тижорат сири ошкор этилганда Бошқарув раиси ахборотни янада тарқалишини олдини олиш бўйича барча чораларни кўради ва айбдор шахсларга нисбатан тегишли чораларни кўради.

XVII. УЮШМА ҲУЖЖАТЛАРИНИ САҚЛАШ

17.1. Уюшма амалдаги қонун ҳужжатларининг талабларига биноан ходимларга оид иш юритишни олиб боради, ҳужжатлар айланишини амалга оширади. Уюшма давлат ижтимоий, иктисодий ва солиқ сиёсатини амалга ошириш мақсадида:

- ҳужжатларни (бошқарув, молиявий-хўжалик, шахсий таркиб бўйича ва бошқалар) сақланиши учун жавобгар бўлади;

- илмий-тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларни давлат томонидан сақланиши учун уларни Тошкент шаҳридаги марказий архивларга топширишни таъминлайди;

17.2. Уюшма қўйидаги ҳужжатларни сақлаш шарт:

- Уюшманинг таъсис ҳужжатлари, шунингдек белгиланган тартибда Уюшманинг таъсис ҳужжатларига киритилган ва тасдиқланган ўзгаришлар ва тўлдиришлар;

- Уюшмани тузиш ва пул кўринишида бўлмаган бадалларни пул билан баҳолашни тасдиқлаш тўғрисидаги қарорни, шунингдек Уюшмани тузиш билан боғлиқ бўлган бошқа қарорларни ўз ичига олган Уюшма умумий йиғилишининг баённомалари;

- Уюшмани давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат;

- Уюшма балансида бўлган мулкка Уюшманинг ҳуқуқларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар;

- Уюшманинг ички ҳужжатлари;

- Уюшманинг филиаллари ва ваколатхоналари тўғрисидаги қоидалар;

- Уюшма умумий мажлисларининг баённомалари;

- Аудитор, давлат ва муниципал молия назорати идораларининг ҳулосалари;

- Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлари,

Уюшманинг таъсис ва ички ҳужжатлари, Уюшма умумий йиғилиши ва директорининг қарорларида кўзда тутилган бошқа ҳужжатлар.

- Уюшманинг юқорида санаб ўтилган барча ҳужжатлари унинг жойлашган жойи бўйича сақланади.

17.3. Уюшма аъзоси, Тафтиш комиссияси ёки Уюшманинг ҳар қандай манфаатдор аъзосининг талабига кўра Уюшма уларга маъқул бўлган муддатларда Уюшманинг таъсис ҳужжатлари, шу жумладан ўзгаришлар билан танишиш имкониятини бериши шарт. Уюшма аъзосининг талабига кўра Уюшма унга амалдаги Таъсис шартномаси ва Уюшма Уставининг нусхаларини бериши шарт. Нусхаларни тақдим этганлиги учун Уюшма томонидан олинандиган ҳақ, уларни тайёрлаш учун кетган харажатлардан ошиб кетиши мумкин эмас.

17.4. Уюшма қайта ташкил этилаётганда барча ҳужжатлар (бошқарув, молиявий-хўжалик, шахсий таркиб бўйича ва бошқалар) белгиланган қоидаларга биноан қонуний ворис-корхонага топширилади. Қонуний ворис бўлмаганда, илмий-тарихий аҳамиятга эга бўлган, доимий сақланадиган ҳужжатлар давлат томонидан сақланиши учун архив идораларига топширилади.

17.5. Шахсий таркиб бўйича ҳужжатлар (буйруқлар, шахсий ишлар ва ҳисобга олиш карточкалари, шахсий ҳисоб варақалари ва ш.к.) сақланиши учун Уюшманинг турар жойи бўйича маъмурий ҳудуднинг архивига топширилади. Ҳужжатларни топшириш ва тартибга келтириш архив идораларининг талабларига биноан Уюшманинг қўчалари ва маблаглари ҳисобидан амалга оширилади.

XVIII. НИЗОЛАР

18.1. Таъсис шартномаси ва ушбу Устав билан таъсис қилинган ширкатнинг амалдаги қонунчилик, таъсис шартномаси ва Устав билан белгилаб берилган қонун ҳужжатлари билан ҳақдорлик бўлиши таъсис шартномасида белгилаб берилган шартларга қараб аниқланади.

18.2. Вужудга келган низолар ва қаллоқ ҳолатларнинг ҳал қилиниши билан қаллоқ ҳолатларнинг имкони бўлмаса, суд тартибида ҳал этилади.

XIX. УЮШМАНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

19.1. Уюшмани қайта ташкил этиш ёки тугатиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 49-55-моддалари талаблари асосида амалга оширилади.

19.2. Уюшмани қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикасининг Умумий Йиғилиши қарори бўйича уни қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш, қайта тузиш йўли билан амалга оширилади. Уюшмани қайта ташкил этишда унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворисига ўтади.

19.3. Уюшмани тугатиш Аъзоларнинг Умумий Йиғилиши ёки хўжалик судининг қарорига асосан амалга оширилади.


19.4. Уюшмани давлат рўйхатидан ўтказган орган томонидан Уюшмаларнинг ягона давлат реестрига тегишли ёзув киритилган вақтдан бошлаб Уюшмани тугатиш яқунланган, Уюшма эса ўз фаолиятини тугатган деб ҳисобланади.

XX. ЯҚУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

20.1. Ушбу Устав Уюшма қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган кундан бошлаб қучга киради.

20.2. Уставда ўз ифодасини топмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари бўйича тартибга солинади.

“Avesta Investment Group” ЕАЖ бош директори


Холмуродова Раъно Меликовна

“Avesta Trust” МЧЖ директори


Имомов Хуршид Муротович

Ўзбекистон Республикаси
Адлия Вазирлиги
томонидан
2006 йил «31» 08
1323-сонли билан

«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»

№ 35



Аъзолар
Умумий йиғилиши
томонидан
2006 йил 28 август
1-сонли баённомаси билан

«ТАСДИҚЛАНГАН»

“N A U R”
QIMMATLI QOG‘OZLAR BOZORI
ISHTIROKCHILARINING MILLIY UYUSHMASI
ТАЪСИС ШАРТНОМАСИ

Тошкент ш. – 2006 й.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Бундан буён аъзолар деб аталувчи мазкур таъсис шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича юридик шахс ҳисобланган корхона, ташкилот ва муассасалар биргаликда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси ҳамда амалдаги қонунчилик ва қонун ости ҳужжатлари асосида “NAUR” Қимматли Қоғозлар Бозори Иштирокчиларининг Миллий Уюшмасини (бундан буён – “Уюшма” деб аталади) ташкил қилиш мақсадида қуйидаги таъсис шартномасини туздилар.

1.2. Уюшма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунийлик, ошқоралик, ўзини-ўзи бошқариш, аъзоларининг ихтиёрий бирлашганлиги ва тенг ҳуқуқчилиги тамойиллари асосида Уюшма аъзолари ўртасида ишонч, тартиблилик ва ўзаро ёрдамни таъминлаган ҳолда амалга оширади.

1.3. Уюшма таъсисчилари қуйидагилар ҳисобланади:

- “Avesta Investment Group” ёпик акциядорлик жамият (Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ҳокимининг ижроия маҳкамаси томонидан 2005 йил 16 июнда 001268 рақам билан рўйхатга олинган ва 001268-10 рақам билан корхоналар реестрига киритилган, манзили: 700000, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 25-уй);

- “Avesta Trust” маъсулияти чекланган жамият (Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ҳокимининг ижроия маҳкамаси томонидан 2005 йил 03 августда 001330 рақам билан рўйхатга олинган ва 001330-10 рақам билан реестрга киритилган, манзили: 700000, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 25-уй).

1.4. Уюшманинг юридик номи:

- Ўзбек тилида: “NAUR” Қимматли Қоғозлар Бозори Иштирокчиларининг Миллий Уюшмаси;
- Рус тилида: “NAUR” Национальная Ассоциация Участников Рынка Ценных Бумаг;
- Инглиз тилида: “NAUR” National Association of Securities Market Participants.

1.5. Уюшманинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 700084, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 107а-уй.

1.6. Уюшма фаолият муддати чекланмаган.

II. УЮШМАНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ

2.1. Уюшма давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг юридик шахс ҳисобланади.

2.2. Уюшма Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, Уюшма таъсис шартномаси ва Уставига асосан фаолият юритади.

2.3. Уюшма Давлат ва унинг органлари мажбуриятлари бўйича жавобгарликни ўз зиммасига олмайди, шунингдек Давлат ва унинг органлари Уюшманинг мажбуриятлари бўйича жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

2.4. Уюшма ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

2.5. Уюшма ўз номи кўрсатилган муҳр ва бурчак тамғасига эга бўлиши мумкин.

2.6. Уюшма юридик шахс ҳисобланиб, ўз фаолиятини ўз-ўзини молиявий таъминлаш асосида амалга оширади, алоҳида мол-мулкка ва мустақил балансга эга, аъзолар томонидан унга юклатилган мажбурият ва вазифаларни бажаради ва фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлардан фойдаланади, мулккий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиши ва мажбуриятларни бажариши, судларда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

2.7. Уюшма аъзолари ўз мустақилликларини ва юридик шахс ҳуқуқларини сақлаб қоладилар.

2.8. Уюшма давлат бошқаруви, шу жумладан тақсимлаш вазифаларини бажаришга, шунингдек таркибига кирувчи корхоналар фаолиятига маъмурий аралашушга ҳақли эмас.

2.9. Уюшма ўз аъзолари акцияларининг пакетларини ишончли бошқарувга олишга ҳақли эмас.

2.10. Уюшма ўз таркибига кирувчи корхоналарнинг тезкор хўжалик фаолиятига аралашуш ҳамда хом-ашё ва товар-моддий ресурсларни улар ўртасида тақсимлаш ҳуқуқига эга эмас.

2.11. Уюшма нодавлат нотижорат ташкилоти ҳисобланади.

2.12. Уюшма қуйидаги ҳуқуқларга эга

- ўз аъзоларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- жамият ҳаётидаги турли масалаларни ечишда, давлат ва ҳокимият органларига турли таклифлар билан чиқиш;
- қонунчиликда инобатга олинган тарзда давлат ва ҳокимият органлари қарорларини ишлаб чиқаришда қатнашиш;
- ўз фаолияти ҳақида ахборот тарқатиш;
- ўз тимсолини тасдиқлаш;
- ўз фаолияти юзасидан йиғилиш ва конференциялар ўтказиш;
- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жойларда ваколатхоналар ва филиаллар очиш;
- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик шахсларнинг муассиси бўлишга ёки уларнинг устав фондида бошқача тарзда иштирок этишга, тижорат ва нотижорат ташкилотлари тузишга ҳақлидир;

2.13. Уюшма қуйидагиларга мажбур:

- конунчиликка риоя этишга;
- ўз мулки ва маблағларининг ишлатилиши ҳақидаги ахборотларга йўл очиб беришга;
- солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти ҳақида тегишли ҳисобот тақдим этишга;

III. УЮШМА ФИЛИАЛЛАРИ ВА ВАКОЛАТХОНАЛАРИ

3.1. Уюшма шўба корхоналар, филиал ва ваколатхоналарини очиш ҳуқуқига эга.

3.3. Шўба корхоналар, филиал ва ваколатхоналар Уюшма аъзолари умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган тегишли ҳужжатлар асосида фаолият юритади.

IV. УЮШМАНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

4.1. Уюшманиннг асосий мақсади ўз аъзоларининг муштарак манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш ҳисобланади.

4.2. Уюшманиннг фаолият предмети куйидагилардир:

- Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиб турувчи норматив-ҳуқуқий базани халқаро стандартларга мувофиқ тарзда, қимматли қоғозлар бозори билан боғлиқ ва Уюшма аъзоларининг манфаатларига дахлдор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда катнашиш, улар юзасидан давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг тегишли органларига таклифлар киритиш ва улар билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш йўли билан такомиллаштиришга кўмаклашиш. Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш масалалари юзасидан қонун чиқарувчи ва ижроия органларида қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчилари манфаатларини тақдим этиш;

- Уюшма аъзоларининг қонуний манфаатларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳам, унинг чегарасидан ташқарида ҳам давлат органлари ва ташкилотлари, муассасалар, хўжалик юритиш субъектлари, жамоат бирлашмалари, турли даражадаги мулкчилик шаклидан қатъий назар, маъмурий ва фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг барча субъектлари билан ўзаро муносабатларда тақдим этиш;

- Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш борасида давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

- Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришни рағбатлантирадиган давлат ва минтака инфратузилмасини вужудга келтиришда маслаҳат тарикасида ёрдам бериш;

- Ўзбекистон Республикасининг қимматли қоғозлар бозори орқали сармояларни жалб этишда кўмаклашиш;

- Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг халқаро рейтингини оширишда ёрдам бериш;

- Қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчиларини халқаро уюшмаларида тақдим этиш, ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтиришда Уюшма аъзоларига ёрдам бериш;

- Уюшма фаолияти соҳасига тегишли йўналишлар бўйича халқаро ҳамкорликни амалга ошириш;

- Уюшма аъзоларининг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириб бориш ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш, рўйбга чиқариш, ҳимоя қилишда Уюшма аъзоларининг ҳаракатларини бирлаштириш;

- Уюшма аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини, жумладан, носоғлом рақобатдан ҳимоя қилиш;

- Беминнатлик асосида Уюшма аъзоларига қимматли қоғозлар бозори масалаларида консалтинг ва ахборот-таҳлил хизматларини кўрсатиш;

- Тренинглари, семинарлар ўтказиш;

- Уюшма аъзоларини ахборот билан таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчилари бўйича ягона ахборот базасини яратиш;

- Уюшма фаолияти, шунингдек, Уюшма аъзолари фаолияти ҳақида ахборот тўплаш, таҳлил қилиш ва тарқатиш;

- Қимматли қоғозлар бозорини турли жиҳатлари муаммолари бўйича ахборот базасини вужудга келтириш;

- Қимматли қоғозлар бозорини турли йўналишлари бўйича кутубхона ташкил этиш;

- Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар бозорининг турли йўналишлари бўйича илмий-тадқиқотлар ҳамда кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масалалари бўйича ўқув ишларини ривожлантириш;

- Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши муаммоларини илмий-амалий жиҳатдан ўрганиш;

- Уюшма олдида қўйилган мақсадларга эришиш учун қимматли қоғозлар бозорида маркетинг тадқиқотлари ва рекламани ташкил этиш;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг чегарасидан ташқарида Уюшма аъзоларининг маҳсулотлари ва хизматлари кўргазмалари ва ярмаркалар уюштириш;

- Қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчиларининг турли йўналишлари бўйича учрашувлар, давра сухбатлари, конференциялар ва ҳоказолар ташкил этиш;

- Махсус дастурлар тайёрлаш, уларни ўтказиш ҳамда оммавий ахборот воситаларида чиқишлар килиш;
 - Илғор технологиялар, менеджмент ва маркетинг бўйича илғор тажрибалар, “know-how” ва ҳоказоларни жорий этиш.
- 4.3. Уюшма таъсис ҳужжатлари фаолиятини амалга ошириш учун ўз устав максадларига зид келмас, хўжалик жамиятларини тузишга еки уларда иштирок этишга ҳақли.

V. АЪЗОЛАР ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Уюшма Аъзолари куйидагиларга ҳақлидирлар:

- Амалдаги қонунчиликда ва Уюшманинг таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда Уюшманинг ишларини бошқаришда иштирок этиш;
- амалдаги қонунчилик ва Уюшма таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибда Уюшманинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш ҳамда унинг бухгалтерия дафтарлари ва бошқа ҳужжатлари билан танишиш;
- Уюшма бошқа Аъзоларининг розилигидан қатъий назар амалдаги қонунчилик ва Уюшма таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда исталган вақтда Уюшмадан чиқиш;
- Уюшма тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин ўз ҳиссасига асосан қолган мол-мулкнинг бир қисмини ёки унинг кийматини олиш;

5.2. Уюшма Аъзолари куйидаги мажбуриятларни оладилар:

- Уюшма таъсис ҳужжатлари қоидаларига риоя этиш;
- амалдаги қонунчиликка ва Уюшманинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, микдорда, усул ва муддатларда аъзолик бадалларини ажратиш;
- Уюшма фаолияти тўғрисидаги сир тутилган ахборотни ошкор қилмасликлари шарт. Ошкор этилмайдиган ахборотларнинг ҳажмига барча шартномалар, техник ва бошқа Уюшма фаолияти тўғрисидаги ахборотлар кирди. Уюшманинг ҳар бир аъзоси ва ходими расмий равишда ва бехос олинган Уюшманинг фаолиятига тааллуқли ахборотларни конфиденциаллигини таъминлашга мажбур ва шу ахборотларни тарқалишини олдини олувчи барча имкон бўлган чораларни кўриши лозим;
- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва Уюшма таъсис ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажаради.

5.3. Уюшманинг аъзолари тижорат ташкилотлари, юридик шахслар, шунингдек Уюшма фаолиятининг вазифалари ва тамойилларини тан оладиган ҳамда Таъсис шартномаси ва мазкур Уставда кўзда тутилган тартибда Уюшмага аъзо бўлган чет эл юридик шахслари бўлиши мумкин.

5.4. Уюшмага аъзо бўлишда Уюшма аъзолари ўз хўжалик мустақиллигини, юридик шахс ҳуқуқини сақлаб қоладилар, мулкчилик шакли ва номини ўзгартирмайдилар.

5.5. Уюшмага аъзо бўлиш – мазкур Уставга биноан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида асаларичилик фаолиятини ривожлантиришда Уюшманинг бошқа аъзолари билан ўз хатти – ҳаракатларини мувофиқлаштиришда, Уюшма аъзоларининг нияти ва розилигини акс эттиради.

5.6. Жисмоний шахслар Уюшма аъзолари бўлиши мумкин эмас.

5.7. Уюшмага аъзо бўлишнинг зарурий шарти бўлиб аъзолик бадалларини Уюшмага ўз вақтида ва тўлиқ тўлаш ҳисобланади. Уюшма аъзоларининг бадаллари ўз ичига аъзолик бадаллари ҳамда ҳар йилги ва мақсадли бадалларни олади.

5.8. Уюшма аъзолигига қабул қилиш, аъзоликка қабул қилинаётган корхона (ташкilot)нинг вакил қилинган мансабдор шахси томонидан имзоланган аризага асосан амалга оширилади. Ариза Уюшма кенгаши томонидан тасдиқланадиган шаклда тузилади.

5.9. Аъзо бўлувчи юридик шахс ариза бериб, Уюшманинг Таъсис шартномасига қўшилади, ушбу шартномани тан олади, шартномадан келиб чиқадиган барча мажбуриятларни ўз бўйнига олади ҳамда Таъсис шартномаси ва мазкур Уставга биноан Уюшма аъзосининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлади.

5.10. Юридик шахс ариза бериш билан бир вақтда Уюшма аъзолари умумий йиғилиши белгиланган микдорда аъзолик бадалини тўлайди.

5.11. Уюшма кенгашининг раиси аъзоликка қабул қилиш тўғрисида ариза келиб тушган кундан бошлаб бир ойдан кечикмай, Уюшма кенгашининг навбатдаги йиғилишига Уюшмага ташкilotни қабул қилиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишни тавсия этиш ҳақида қарор қабул қилади ҳамда ариза берувчига ёзма равишда асосланган қарорни тақдим этади.

5.12. Ташкilotни Уюшмага қабул қилишдан асосли равишда рад этилган ҳолда, аъзолик бадали Уюшма кенгашининг рад этиш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан бошлаб 30 кундан кечикмай ташкilotга қайтарилиши лозим.

5.13. Ташкilot, Уюшма кенгашининг ижобий қарори қабул қилинган вақтдан бошлаб Уюшманинг аъзоси бўлиб қолади.

VI. МОЛ-МУЛК ВА МАБЛАҒЛАР

6.1. Уюшма ўзига тегишли бўлган мол-мулкдан мустақил равишда фойдаланади.

6.2. Уюшманинг мол-мулки ва маблағлари Уюшмага тегишлидир.

6.3. Уюшма мол-мулкни шакллантириш куйидагича амалга оширилади:

- Аъзолар бадаллари;
- Уюшма фаолияти давомида олинган мол-мулклар;
- Корхона ва ташкилотларнинг ихтиёрий ажратмалари;
- бегараз ва хайрия бадаллар;
- Уюшма қошида тузилган корхона, вақлатхоналар ва ташкилотлар фаолиятидан тушган маблағлар;
- амалдаги қонун ҳужжатларида ман этилмаган бошқа манбалар ва усуллар билан.

VII. УЮШМАНИНГ МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНОТИ

7.1. Уюшманинг молиявий таъминоти унинг Аъзолик бадаллари ҳисобидан амалга оширилади.

7.2. Уюшмага Аъзо сифатида кириш учун бадал ва Аъзолик ажратмаси миқдори аъзолар умумий йиғилиши томонидан Уюшманинг харажатлар сметасига асосан белгиланади.

7.3. Харажатлар сметасидан иқтисод қилинган маблағлар аъзолар умумий йиғилишининг қарори бўйича ишлатилиши мумкин.

VIII. АЪЗОЛАРНИНГ УЮШМА АЪЗОЛИГИДАН ЧИҚИШ ТАРТИБИ

8.1. Уюшма Аъзоси ўз хоҳишига кўра Аъзолар таркибидан чиқиш ҳуқуқига эга.

8.2. Уюшма Аъзоси Уюшма таъсис ҳужжатларида белгиланган қоидаларни бир-неча мартаба қўпол равишда бузилишига йул қўйган ёхуд ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда ушбу Аъзо Аъзолар умумий йиғилиши томонидан мажбурий равишда Аъзолар сафидан чиқариб юборилиши мумкин.

8.3. Уюшма Аъзоси ихтиёрий ёки мажбурий равишда Уюшмадан чиқариб юборилганида, унга Аъзолик даврида киритилган кириш ва Аъзолик бадаллари қайтарилмайди.

8.4. Уюшма Аъзоси ихтиёрий ёки мажбурий равишда Уюшмадан чиқарилса, Уюшма таъсис ҳужжатларига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши лозим.

IX. ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ

9.1. Уюшма мустақил равишда ўз фаолиятини режалаштиради.

9.2. Уюшма мустақил равишда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда бухгалтерлик ҳисоб, молиявий ва статистик ҳисоботни амалга оширади.

9.3. Моддий техника базасини асосий ва айланма маблағлар, шунингдек бошқа моддий бойликлар ва молиявий захиралар ташкил этади. Уюшма маблағлари унинг тасарруфида бўлади ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган ҳоллардан ташқари олиб қўйилмайди.

9.4. Уюшма Бошқарув раиси тасдиғига асосан қонунчилик талабларидан келиб чиққан ҳолда ходимлар жадвалини, меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тартиби жорий этилади.

9.5. Уюшма мустақил равишда ўз ходимларининг касб ва малака даражасини белгилайди.

9.6. Қонунчиликда белгиланган муддатларда молия, солиқ статистика органларига тегишли ҳисоботларни тақдим этади.

9.7. Уюшманинг маблағлари ва харажатлари ҳисобини юритилиши тугрилиги устидан назорат Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари бўйича амалга оширилади.

X. УЮШМА МАБЛАҒЛАРИ ВА ФОНДЛАРИ, ЗИЁНЛАРНИ КОПЛАШ ТАРТИБИ

10.1. Барча мажбурий тўловлар ва солиқлар туланганидан сўнг Уюшма ихтиёрида қоладиган маблағлар Уюшма маблағларини ташкил этади.

10.2. Уюшма амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ маблағлардан барча солиқлар ва тўловлар, шу жумладан давлат ижтимоий сугурта, пенсия фондига, ижара тўловлар ва ҳоказоларни амалга оширади.

XI. УЮШМАНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

11.1. Уюшманинг бошқарув органлари қуйидагилар:

- Аъзоларнинг Умумий йиғилиши (Кенгаш);
- Бошқарув;

XII. УЮШМА ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

12.1. Уюшма бошқарувининг фаолияти устидан назоратни аъзоларнинг умумий йиғилиши томонидан 2 йил муддатга 3 киши таркибида сайланадиган тафтиш комиссияси амалга оширади. Навбатдаги муддатга бир неча марта сайланишга йўл қўйилади.

12.2. Уюшма тафтиш комиссиясининг талабига биноан уюшманинг бошқарув органларидаги мансабдор шахслар уюшма фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этишлари шарт.

12.3. Уюшма тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Уюшманинг бошқарув органларида бошқа лавозимларни эгаллашлари мумкин эмас.

12.4. Уюшма тафтиш комиссияси фаолиятининг тартиби аъзолар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган низомда белгилаб қўйилиши мумкин.

XIII. УЮШМАНИНГ ХОДИМЛАРИ

13.1. Уюшманинг ходимлари Бошқарув раиси томонидан тасдиқланган штат жадвалига мувофиқ шакллантирилади.

13.2. Мехнат контрактларини тузиш, уларни бузиш, мутахассисларни ва ёрдамчи ходимларнинг мансабини ўзгартириш фақат контракт (шартнома) асосида амалга оширилади, бунда ёллашнинг аниқ шартлари ҳар бир ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ яқка тартибдаги ёллаш шартномаси (контракт) билан белгиланади.

XIV. УЮШМАНИНГ ТИЖОРАТ СИРИ

14.1. Уюшманинг тижорат сирини деганда давлат сирини аҳамиятига эга бўлмаган услубий ахборот, бошқариш, режалаштириш, молия ва Уюшманинг бошқа фаолияти билан боғлиқ бўлган, уларни ошкор этиш (бериш, ўтказиш) унинг манфаатларига зиён етказиши мумкин бўлган маълумотлар тушунилади.

14.2. Ҳар бир ходим барча, шу жумладан бехосдан олинган Уюшманинг молиявий ва бошқа характердаги фаолияти билан боғлиқ ахборотни ошкор этилмаслигини ва бундай ахборотнинг тарқалишини олдини олиш бўйича чоралар кўришга мажбурдир.

14.3. Тижорат сирини ошкор этилганда Бошқарув раиси ахборотни янада тарқалишини олдини олиш бўйича барча чораларни кўради ва айбдор шахсларга нисбатан тегишли чораларни кўради.

XV. УЮШМА ҲУЖЖАТЛАРИНИ САҚЛАШ

15.1. Уюшма амалдаги қонун ҳужжатларининг талабларига биноан ходимларга оид иш юритишни олиб боради, ҳужжатлар айланишини амалга оширади. Уюшма давлат ижтимоий, иктисодий ва солиқ сиёсатини амалга ошириш мақсадида:

- ҳужжатларни (бошқарув, молиявий-хўжалик, шахсий таркиб бўйича ва бошқалар) сақланиши учун жавобгар бўлади;

- илмий-тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларни давлат томонидан сақланиши учун уларни Тошкент шаҳридаги марказий архивларга топширишни таъминлайди;

15.2. Уюшма қуйидаги ҳужжатларни сақлаши шарт:

- Уюшманинг таъсис ҳужжатлари, шунингдек белгиланган тартибда Уюшманинг таъсис ҳужжатларига киритилган ва тасдиқланган ўзгаришлар ва тўлдиришлар;

- Уюшмани тузиш ва пул кўринишида бўлмаган бадалларни пул билан баҳолашни тасдиқлаш тўғрисидаги қарорни, шунингдек Уюшмани тузиш билан боғлиқ бўлган бошқа қарорларни ўз ичига олган Уюшма умумий йиғилишининг баённомалари;

- Уюшмани давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат;

- Уюшма балансида бўлган мулкка Уюшманинг ҳуқуқларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар;

- Уюшманинг ички ҳужжатлари;

- Уюшманинг филиаллари ва ваколатхоналари тўғрисидаги қоидалар;

- Уюшма умумий мажлисларининг баённомалари;

- Аудитор, давлат ва муниципал молия назорати идораларининг ҳулосалари;

- Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлари,

Уюшманинг таъсис ва ички ҳужжатлари, Уюшма умумий йиғилиши ва директорининг қарорларида кўзда тутилган бошқа ҳужжатлар.

- Уюшманинг юқорида санаб ўтилган барча ҳужжатлари унинг жойлашган жойи бўйича сақланади.

15.3. Уюшма аъзоси, Тафтиш комиссияси ёки Уюшманинг ҳар қандай манфаатдор аъзосининг талабига кўра Уюшма уларга маъқул бўлган муддатларда Уюшманинг таъсис ҳужжатлари, шу жумладан ўзгаришлар билан танишиш имкониятини бериши шарт. Уюшма аъзосининг талабига кўра Уюшма унга амалдаги Таъсис шартномаси ва Уюшма Уставининг нусхаларини бериши шарт. Нусхаларни тақдим этганлиги учун Уюшма томонидан олинадиган ҳақ, уларни тайёрлаш учун кетган харажатлардан олшиб кетиши мумкин эмас.

15.4. Уюшма қайта ташкил этилаётганда барча ҳужжатлар (бошқарув, молиявий-ҳўжалик, шахсий таркиб бўйича ва бошқалар) белгиланган коидаларга биноан қонуний ворис-корхонага топширилади. Қонуний ворис бўлмаганда, илмий-тарихий аҳамиятга эга бўлган, доимий сақланадиган ҳужжатлар давлат томонидан сақланиши учун архив идораларига топширилади.

15.5. Шахсий таркиб бўйича ҳужжатлар (буйруқлар, шахсий ишлар ва ҳисобга олиш карточкалари, шахсий ҳисоб варақалари ва ш.к.) сақланиши учун Уюшманинг турар жойи бўйича маъмурий ҳудуднинг архивига топширилади. Ҳужжатларни топшириш ва тартибга келтириш архив идораларининг талабларига биноан Уюшманинг кучлари ва маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

XVI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

16.1. Таъсис шартномаси ва уставга кўра келиб чиққан барча низолар ва келишмовчиликлар амалдаги қонунчилик, таъсис шартномаси ва Устав асосида Аъзоларнинг ўзаро келишув йўли билан ҳал этилади.

16.2. Вужудга келган низолар ва келишмовчиликларни музокаралар йули билан ҳал қилишнинг имкони бўлмаса, суд тартибида ҳал этилади.

XVII. УЮШМАНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

17.1. Уюшмани қайта ташкил этиш ёки тугатиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 49-55-моддалари талаблари асосида амалга оширилади.

17.2. Уюшмани қайта ташкил этиш Аъзоларнинг Умумий йиғилиши қарори бўйича уни қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш, қайта тузиш йўли билан амалга оширилади. Уюшмани қайта ташкил этишда унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворисига ўтади.

17.3. Уюшмани тугатиш Аъзоларнинг Умумий йиғилиши ёки ҳўжалик судининг қарорига асосан амалга оширилади.

17.4. Уюшмани давлат рўйхатидан ўтказган орган томонидан Уюшмаларнинг ягона давлат реестрига тегишли ёзув киритилган вақтдан бошлаб Уюшмани тугатиш яқунланган, Уюшма эса ўз фаолиятини тугатган деб ҳисобланади.

XVIII. ЯҚУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

18.1. Ушбу Устав Уюшма қонунчи белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради.

18.2. Уставда ўз қонунчи талабларига мос эмаслиги масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари бўйича тартибга солинади.

“Avesta Investment Group” ЕАЖ бош директори

Холмуродова Раъно Меликовна

“Avesta Trust” МЧЖ директори

Имомов Хуршид Муротович

